

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР” АСАРИДА ТАБИАТ МАНЗАРАЛАРИНИНГ ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАР ОРҚАЛИ ИФОДАЛАНИШИ

Қодирий Маҳзуна

*Инглиз тили интеграллашган курси кафедраси ўқитувчиси,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
mahzuna.qodiriy@gmail.com*

Аннотация. Хозирда тил ўрганувчи талабалар ҳар қандай асарга хос бадиий тил хусусиятлари айнан ёзувчи маҳорати орқали намоён бўлишини бевосита асарларни таҳлил қилиш жараёнида тушуниб олишлари учун қуйидаги масалалар ўқитувчи диққат марказида туриши зарур. Бадиий асар тилини ўрганиш асар таҳлилига қуйидагича боғлаб олиб борилади:

1. Асаддаги муаллиф нутқини ўрганиш.
2. Асар қаҳрамонлари нутқини (диалоглар, коллизия, яъни руҳий ҳолатлар тасвири, монологлар) ўрганиш.
3. Ёзувчи услубининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш.

Ушбу мақоланинг мақсади Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романни қаҳрамонлари нутқининг визуал воситаларини ўрганишдан иборат бўлиб, уларни батафсил кўриб чиқиш табиат манзарадарига тегишли тасвирий воситаларни ўрганиш ва бадиий матннинг мазмунан чуқурлигини оширишга катта ҳисса қўшади.

Калит сўзлар: манба матн, таржима, табиат, тавсиф, калория, муаллиф, маъно, тасвирий воситалар, персонаж, тафсилотлар.

Аннотация. В настоящее время в каждом произведении есть свои художественные особенности, в том числе и навыки выдающегося художника, непосредственного анализа работ, интенсивного изучения проблемы и сосредоточения внимания на ней.:

Изучение языка художественного произведения связано с анализом произведения следующим образом:

1. Авторская речь.
2. Произведение представляет собой речевого героя (диалог, коллизию, то есть образ психического состояния, монолог).
3. Особенности формирования узбекского языка.

Целью данной статьи является исследование изобразительных средств речи героев романа Абдуллы Кадири «Минувшие дни», подробный обзор которых поможет глубже понять персонажей и во многом поспособствует содержательной глубине художественного произведения с помощью природных пейзажей.

Ключевые слова: исходный текст, перевод, природа, описание, калорийность, автор, смысл, визуальные средства, персонаж, детали.

Annotation. Currently, each work has its own artistic characteristics, including the skills of an outstanding artist, direct analysis of works, intensive study of the problem and focus on it. Learning the language of an artistic work is associated with the analysis of the work as follows:

1. The author's speech.
2. The work is a speech character (dialogue, collision, that is, an image of a mental state, a monologue).
3. Features of the formation of the Uzbek language.

The purpose of this article is to study the visual means of speech of the characters of Abdulla Qodiriy's novel "Bygone Days", a detailed review of which will help to understand the characters more deeply and in many ways contribute to the meaningful depth of the work of art with the help of natural landscapes.

Key words: source text, translation, nature, description, calorie, author, meaning, visual means, personage, details.

Табиат манзаралари, воқеалар ривожи тасвирида эса ёзувчи, албатта, жилодор, ранг-баранг сўзларга эҳтиёж сезади. Акс ҳолда, асар қуруқ, саёз чиқиб қолиши ҳеч гап эмас. 1. Асарни ўқиш жараёнида ўкувчини ҳаяжонга солган, уни таъсиrlантирган манзаралар, тасвирлар, ҳолатлар ва образларни матндан аниқлаб таҳлил қилиш. 2. Тасвирнинг жозибадорлигини таъминлаган бадиий тил воситаларини белгилаш. 3. Бадиий тил имкониятлари ва тасвирий воситалардан ҳаётий ва таъсиrчан образлар, тасвирлар яратишдаги ёзувчи маҳоратини ўрганиш. 4. Бадиий тил хусусиятлари ўрганилаётган асарнинг бадиийлигини ҳар бир талаба ўз қалби ва тафаккуридан мустақил равишда ўтказиши, ўзича таъсиrlаниши ўз хулосасига келиши учун талабаларнинг эркин фикр юритишлари, мустақил таҳлил қилишлари, ўз мулоҳазаларини баён этишлари учун имкон яратиш. 5. Асарда илгари сурилган ғоялар ҳақида ҳар бир ўкувчининг ўз тасаввuri ва фикрлари бўлиши табиий, ўқитувчи шу ҳолатни эътибордан четда қолдирмай, асар таҳлилига оид фикрлар хилма-хиллигига, хулосалар турфалига эришишга интилмоғи; ўқитувчилар дарсликдаги ёки ўқитувчи билдирган хулосаларгагина таяниб, ўзи

фикрламайдиган, ҳис-туйғуларни кечиришга лоқайд, маъновий танбалларга айланиб қолмасликлари учун уларни мунтазам фаолликка, асар қаҳрамонлари тимсолида жонли инсонни тасаввур этишга образ кечинмаларига ҳамдардлик орқали ўзга инсонларни ҳис қилиб, англашга кўмаклашиши, шу орқали ўзлигини англашга ўқувчини даъват қилиб бориш адабий таълимнинг бош вазифаларидан бири эканини унутмаслик лозим.

Буюк адибимиз Абдулла Қодирий услугига хос жозибадорлик, жўшқинлик, бадий рангларнинг қуюқлиги, нафис чизгилар бадий тил имкониятларидан маҳорат билан фойдаланиши натижасида юзага келган. Мисол учун буюк адибнинг асаддаги табиат манзараларининг тасвирида биз қуйидаги тасвирий воситаларни кўрамиз :

*Тун аёз, изгириқ ел тўрт тарафка югуриб жон ачитмакчи бўлар эди.
Ҳасанали ярим ялангоч ҳолда жунжайиб дарича остида, изгириқ қучогида ўлтурас
эди. Ул еган совугига илтифот этмас, вужудини изгириққа топшириб, фикрини
ҳужра ичига юборган эди.*

Сув бир дўконинг остидан чиқиб, бу ҳавлида уч тўрт қулоч чамаси очиқ ҳавода оқар ва кўпrik том остига кетар эди. Кумушебиби ариқ бўйидан бир ўринни кўзлади - да, сакраб нариги юзига ўтди ва чўнқайди. Унинг кўзлари мулойимгина сув остига оғдилар. Ариқнинг мусаффо тиниқ суви ёввошгина оқиб келар, Кумушебининг қаршиисига етганда гўёки, унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб қўяр, ўз остида ўтурган соҳиранинг(сехрчи қиз) мусаххар(сехрланган) бўлган каби таги бир каттароқ доирада айлангач, оҳистагина кўпrik остига оқиб кетар эди. Ариқ сувининг ниҳоятсиз бу ҳаракатини узоқ кўздан кечириб ўлтургач, қўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди. Унинг юзини ўтиб тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатга келиб чайқалди, гўёки сув ичидаги фитна юз берган эди...Иккинчи, учунчи қайталаб юз юшида бу фитна таги ҳам кучайди.

Ҳасанали чиқди. Қоши қорайиб, қоронегу тушаёзган эди. Ҳаво булут, ачиз, совук ел тўрт томонга югурап, онда сонда қор учқунларини қувлаб зириқтирас эди. Эрув вақтида ярим белидан лой кечишига тўғри келадирган кўчаларнинг лойи қатқалоқланган, шунинг учун юргучи қийналмас, аксинча ола чалпоқ қор пагаларини босишидан вужудка келган оёғ остидаги “гарч гурч” товушлари кишига бир турлиқ кайф, мусиқавий енгиллик берар эдилар.

Ариқ бўйи, сирлик ариқ бўйи.

Ёшлиқ кўзлари ариқ бўйига тушиб, нозик оёқлар ариқ бўйи томонга ҳаракатландилар. Ул ариқ бўйига етгач, маълум ўринга сакраб ўтди - да, чўнқайди. Бир ҳовуч сув олиб юзидан тўкиб туширди ва оҳистагина йўлак томонга қараб

олгандан кейин сувнинг оқишиига қўзини тикди. Кумушининг дардини ҳеч ким билмас, унинг ҳаёлига ҳеч ким тушунмас, магар шу ариқ бўйи тушунгандек, билгандек... Сирлик ариқ бўйи унга нималарнидир сўзлар, ундан нималарнидир тинглар, бунга четдан ҳеч ким воқиф бўла олмайдир - да, бўлмоғи ҳам мумкин эмас.

Кўзларидан оққан марварид томчиларини шу сирлик ариқ суви билан ювди, бир мартабагина ювди эмас - қайталаб - қайталаб ювди. Бояги аччиғидан бир мунча тинчланиб, қўз қизиллиқлари кеткан ҳолда битта - битта босиб ичкарига қайтди.

Ҳозир қўклам кунлари: қирлар, тоғлар, сойлар; кўк - қизил, оқ - қора, сариқ- зангор, пушти - гўлас ва тағин алла қанча ранглик чечаклар билан устларини бежаб, қиши билан тўнгигиб (музламоқ) аранг етишкан ошиқларига янги ҳаёт, янги умид берадирлар. Қиши бўйи алла қайси гўр осталарида жунжисиб чиқган қуши зотлари: чумчуқлар, читтаклар, тўргайлар, саъвалар ва бошиқа алла қанча қуши дуркумлари ўз тўплари билан вижир - вижир, чугур - чугур сайраб куладирлар, ер юзини туткан чечак гиламлари устини ўтиб яладирлар, ётиб чўқийдирлар, санчиб учадирлар... узоқ узоқдан какку қуши ҳам арзи вужуд қиласидир: “какку- какку”.

Поёнсиз қирларнинг ниҳоятсиз бижир - бижир кўриб тўймаслиқ кўк гиламлари ва уларнинг димоғларга мажбурий искаткан даво ислари, ёқимлик ҳидлари ҳар қандай ишдан чиқаёзган ҳаёт эгасини озгина бўлса ҳам эпка ола биладирлар. Шунингдек бу чечак қирлари ўз бағрида сузиб борган Отабекни ҳам ўзига қаратмай қўймайдир. Унинг фикри анув қоронгулиқлар ичида сузса ҳам кўзи чечак ва сабзалар томошасида, димоги ҳидлар истишомомида (ҳидлаш, искаш), қулоги қушилар нағмасида бўладир. Нима бўлса ҳам теварагидаги қўклам бежакларини кўздан кечира борадир. Бора бора фикри ҳам шу кўринишлардан ҳисса олмоқча бошлайдир.

-Ҳов ана бир қалдиргоч, тўғрига қараб ўқдек отилиб борадир, учкан йўлида вижир - вижир сайраб ҳам қўядир. Қалдиргочнинг қайғуси йўқ, суйганининг олдиға тезроқ етиши учун шошатирғандир: сайроғи ҳам суйганининг кўриши шодлиги учундир... Бахтилик қалдиргоч: олган совгаси ҳам қўрқунч эмасдир, ота - онасининг ҳам орзу ҳаваслари йўқдир. Уларнинг турмуши қонунлари жуда енгил, икав - икав, суйган суйганни оладирлар-да тоғларда, ерларда, кўкларда учиб юруйберадирлар. Мен ҳам шу қалдиргочдек унинг сари отилиб, вижир- вижир сайраб учар эдим.

Айвоннинг нариги ёни билан шарқقا қараб кирилатурган бир йўлак орқалик бир боғчагами, майдонгами чиқилишини билиб шу ёққа юрди ва кичикроқ бир мевазорга чиқди. Кечанинг қоронлиги устига меваларнинг қуюқ япроқлари қўшилишиб, бу майдон айниқса Отабекнинг ҳозирги кўнглига яқинлашиб келар эди.

Унинг кўнгил меваси бу кунги қора воқиъа билан қандай ўралиб, йўқолиб кетган бўлса, бундаги дарахтлар ҳам ўз меваларини кеча ранги билан бўяб, яшил япроқлари ила қўмган эдилар, яъни бунда ўскан дарахтлар қандай мева берадир ажратиш қийин эди. Ул шу қоронгизор билан қўшилишиб кетгандек ва қоронгилиқнинг қучогига кира боргандек мевазорнинг ичкарисига юрий борди. Ва ниҳоят бутоклари бағрига солиниб тушкан бир дарахтнинг остига ўлтириди ва бу ўлтиришида узоқ фурсат қотиб қолгандек ҳаракатсиз эди. Ўн беш дақиқалардан сўнг ичига ел қамалган пуввакдек “уффф” этиб юборгач, ўрнидан турди. Боқчанинг кунботари билан хароба иморатларни ёнлаб юрди.

Ойнинг ўн бешлари бўлса - да, ҳавонинг булутлиги билан ой кўринмас, чин маъноси билан қорнги кузнинг қорнги бир туни эди. Бир неча юз йилдан бери яшаб фавқулодда зўрайиб кеткан “Хўжса Маъз” мозорининг чакалаги бу қоронгилиққа бир манбाъ каби эди. Кучлик бир ел турган, қандайдир бир ишқа ҳозирланган каби тўрт томонга югуриб юрап эди. Мозор чакалагининг бир бурчагида тутаб ётган тўнка ёнида соchlари ўсиб соқолига қўшилиб кетган бир девона бу мутҳии қоронгилиққа қарши курашкан каби гулхани ёндиришига тиришар, гулхан теварагидан айланиб қўлидағи касави билан тўрт томонидан ковлар эди. Ел борган сайин кучлана борди, чакалак тартибсиз ҳолга кириб кетди, битта яримта тўкилмай қолган япроқлар шитир - шитир тўкилишика олдилар, қарға ва зоғчалар айни уйқу замонида тинчсизлагани учун елга қарши намоиш қилгандек го - гу билан чакалак устидан айлана бошладилар. Ел кучагандан кучайиб борар ва шу нусбатда мозор ичи ҳам яна бир қат қўрқунч ҳолига кирап эди, ел кетма - кет бўкурап, бунга чидай олмаган шоҳ - шаббалар қарс - қурс синар, кекса ёғочлар гийқ - гийқ этиб ёлбориши товшии чиқарар эдилар. Ел ортиқча бир газаб устидаги тиккайган нарсани букиб- янчиб ташламоқчи бўлгандек пишиқирап эди. Чинорлардан бирисини ер титратиб ииқитди, девонанинг гулханини ҳам тўнка - пўнкаси билан кўтариб чакалакнинг ичига отди. Бутун мозор ичини ўт учқуни ила тўлдириб, яна кўринишка бошқача бир тус берди. Мозорни бу ҳолга солғандан сўнг гўё шунинг учун гайратлангандек бир оз пасая тушди, оч қолған шер каби пишиқириб бўкуришилари босилгандек бўлди. Ярим соат чамаси жонсаракка учраб учиб юришика мажбур бўлган қаргалар елнинг газаби босилганини бир- бирларига хабар бергандек го - гу билан эски ўринларига қўна бошладилар. Кўкни ўраб олган қора булутлар ҳам тўс тўска бўлиниб, ой ҳам қора парда ичидан ярим юзини очиб ер юзига мўралаб қўйди. Гунбазнинг қаршисидаги икки туп кекса чинорнинг искеlet каби қуруқ шохларига ел билан алла қаёқларга учиб кеткан бойқушлар тўпу ҳам келиб қўна бошладилар. Ой парчаланган қора булутлар билан бекинмачоқ ўйнаган

каби ҳали қўриниб, ҳали яширинар эди. Ул ер юзига кулиб қарагандада мозорнинг чакалак қисмига айтарлик ўзгариши бера олмасада гўристон қисмидаги дўмбоқ қабирларни ва уларнинг устидаги мармар қабр тошларини чуқур бир сукут ичида экан тақдим қиласр эди. Бойқушлар уяси бўлган икки туп чинорнинг қаршиисида гунбазга рўбарў - рўбарў қилиб солинган айвон - зиёратхона бор, аммо ой тик кўтарилганликдан зиёратхона ичи қоп - қоронги (“Хўжса Маъз” устига солинган гунбаз ва зиёратхона ҳам масжид 1265 нчи йилларда Ўтаббой қушбеги томонидан бино қилингандир(муал.)) эди. Чинор шохлари тасбих каби чизилган бойқушлар билан тўлған. Улар ой нуридан унча хурсанд эмаслар, чунки ой ер юзига кулиб қарай бошласа, улар бошларини кифтлари ичига оладилар да, дум - думалоқ бўлиб сиқилиб кетадилар. Ой булутлар остига кирса, улар розатланған каби чиғ-чиғ-чиғ, ки-ки-ки қилиб сайраб ҳам юборадирлар.

Масжид минорасидан руҳоният ёғдириб мунглик аzon товши эшиштилди - да, уйқу қучогида ётқан табиъат уйғониб жавоб берган каби жонгираб кетди. “Оллоҳу акбар” нинг сўнгги тақорорида Отабек зиёратхона айвонидан тушибди -да, шилдираб оқиб турған ариқ ёнида таҳорат олишика ўлтурди...

“Минг ўрук” мавзиъи отидан ҳам маълум, бунда минг чоғлиқ ўрук дарахти ўсқан учун бўлиб, Шиблининг сувидан бошлаб то Салор ариғигача қатор - қатор ўруклар эди. Салорнинг нариги ёги нийдек қир, эндиғтина кўм - кўк ўт гилами униб чиқған эди. Минг ўрукнинг этаги бўлған Салор бўйида уч - тўртта қозоқ ўтовлари тикилган эдилар. Иккиси Салор бўйиға етиб Тўла қозоқнинг келинчагига этни шўрва қилиши учун бердилар.

Али ўтовдан кийгиз олиб, Салор бўйига ёзди. Келинчак ёстиқ, кўрпача ташлаб берди, Отабек ҳордиқ чиқариб ясланди.

Қуёш озорсизгина қиздирар эди. Енгилчагина эскан шамол димоғқа турлиқ ўлан исларини келтуриб урад эди. Бир неча қалдирғоч Салорнинг оқишии бўйлаб учар ва учкан кўйи “валфажри” ўқур эдилар.(Авом эътиқодича(муал.) Куръонда Фажр сураси (фажр субҳ, тонг ёруғлиги) тонг билан қасамёд этаман сўзи билан бошланиб фижрр сўзи билан тугагани учун халқда қалдирғочнинг сайрогини шунга ўхшатиб “валфажри”ни ўқийди, дейдилар.) Поёнсиз қирнинг юқори - қуйи ўринлар якранг кўкат ва кўз илгамайдирған узоқлиқлари туманланған сумол кўриниш берар эдилар. Қушлар, қуртлар сайраши табиъий бир соз хизматини ўтаб кишига ифодаси қийин бўлған бир сезги солар эдилар.

Отабек табиъатнинг шу кўркам ва латиф кўринишига мафтун бўлиб, бир оз ётқандан кейин “ул ҳам бўлса эди”, деб ўйлади ва узоқ тин олиб қўйди.

Кеча ойдин, қабристон тиб - тинч, узокроқдан Қуръон товии эшиитилар эди. Икки туб чинор бутоқларида қўниб ўлтурган уч- тўртта бойқушилар, қабр ёнига тизланган Отабек ва юқори , қўйи дўмбайган қабрлар бу тиловатка сомиъ каби эдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 1.Абдулла Қодирий"Ўткан кунлар". Тошкент .1992.
2. 2.Абдуазизов А. А. Матн когнитив фаолият маҳсулотидир / / Ривожланишнинг тил қонунлари. - Самарқанд: Самдчи, 2009.
3. 3.Кунин А. В. Замонавий инглиз тили фразеологияси курси. - Дубна: Fenix+, 2005
4. Одам ҳаётининг тирик томири.ЎзМУ хабарлари №3/4 2018. 290-295. М.Хакимова.
5. 4.Тешабаев З. Қ. "Бобурнома" нинг инглизча таржималаридағи фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари .2017
6. Сўзлар ортидаги дунёнинг сўзларга таржимаси (2015)Замонавий тилшунослик, адабиётшунослик, таржимашунослик ва хорижий тиллар ўқитишнинг муаммолари. М.Хакимова.
7. 5.Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеологиянинг шаклланиши ва ривожланиши.- Самарқанд: Самду, 2007.
8. 6. Ҳабибулла Қодирий"Отамдан хотира" (отамдан хотиралар). Тошкент 2005.